Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 1 февраль, шанба • № 10 (10.888) • Эркин нархда сотилади

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, уни рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган замонавий хорижий ускуналар ва технологиялар билан таъминлаш мақсадида, шунингдек, жалб этилаётган хорижий кредит маблағлардан самарали фойдаланиш манфаатларини кўзлаб:

1. Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаш учун халқаро молия ташкилотларининг кредит мажбуриятларини, шунингдек хорижий сармоядорларнинг маблағларини республиканинг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамда бошқа тижорат банклари орқали жалб этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг таклифи иловага мувофиқ қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, асосан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариладиган, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари чуқур қайта ишланадиган мавжуд кичик ва ўрта қўшма корхоналарни янада ривожлантириш ҳамда шундай янги корхоналарни барпо этиш, шунингдек, энг аввало қишлоқ жойларда инфраструктурани ривожлантириш йўли билан рақобатбардош ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатишни кўзда тутувчи инвестиция лойиҳалари жалб этилаётган хорижий кредит маблағлари ҳисобига биринчи навбатда пул билан таъминланади.

3. Давлат мулки қўмитаси, «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Хорижий сармоялар бўйича агентлик, «Ўзинвестлойиҳа» компанияси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда Бизнес-фонд, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда хорижий кредитларни жалб этиш ҳисобига кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришнинг 1997 йилга мўлжалланган устувор йўналишларини иловага мувофиқ ишлаб чиқсин.

4. «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси хорижий валютада олинадиган кредитларни таъминлаш учун берилган гаровларни белгиланган тартибда суғурта қилишни амалга оширсин.

5. 1997 йилнинг 1 февралидан бошлаб кичик ва ўрта ишлаб чиқариш корхоналари, лизинг компаниялари жалб этиладиган хорижий кредитлар ҳисобига олиб келинадиган технологик ускуналар учун импорт бож ҳақи тўловларидан озод қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги «Ўзинвестлойиҳа» компанияси билан бирга кичик ва ўрта тадбиркорлик учун хорижда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуна ва технологиялар замонавий турларининг кўрик-савдоларини мунтазам суратда ўтказиб турсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилиб, бунда лойиҳаларни танлаб олиш тизимини ҳамда хорижий кредит мажбуриятларининг маблағлари ҳисобидан олинган ҳамда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилиши учун қарз олувчиларнинг ҳуқуқий жавобгарлиги белгиланишини назарда тутсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.***

Тошкент шаҳри,
1997 йил 31 январь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 январдаги Фармонига илова*

***Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун жалб этиладиган хорижий кредит мажбуриятлари рўйхати***

| Хорижий кредитор | Кредит мажбурият мўлжалланган мақсад | Кредит мажбурият миқдори | Кредит мажбуриятга хизмат кўрсатувчи ташкилот |
|---|---|---|---|
| Европа тикланиш ва ривожланиш банки | Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш | 60 млн.АҚШ доллари<br>30 млн.АҚШ доллари<br>30 млн.АҚШ доллари | Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки<br>Асака банк<br>тижорат банклари |
| Осиё ривожланиш банки (ОРБ) | Қишлоқда маҳсулотни қайта ишловчи кичик ва ўрта корхоналарни янгилаш | 50 млн.АҚШ доллари | Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки |
| OECF (Япония) ОРБ йўли билан биргаликда молиялаш | Қишлоқда маҳсулотни қайта ишловчи кичик ва ўрта корхоналарни янгилаш | 50 млн.АҚШ доллари | Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки |
| Япония Экзимбанки | Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш | 50 млн.АҚШ доллари | Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки |
| Халқаро молия корпорацияси | Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш | 50 млн.АҚШ доллари | Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки |
| Германия Ривожланиш Кредит Агентлиги (KfW) | Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш | 5 млн.DM | Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тижорат банклари орқали |
| Марказий Осиё - Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди | Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш | 26 млн.АҚШ доллари | тижорат банклари |

*Вилоят ҳокимлигида*

## «АЁЛ ВА ИСЛОМ»

ВИЛОЯТ ҳокимлигида яқинда бўлиб ўтган илмий-амалий конференция ана шу мавзуга бағишланди. Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитасининг раиси, вилоят ҳокимининг муовини С. Хўжаева анжуманни очар экан, республикамиз мустақилликка эришгандан кейин ҳар бир инсоннинг қадри, унинг ўрни ва жамиятдаги мавқеи масаласига янада кўпроқ эътибор берила бошланганлигини, хусусан, аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга эканликлари Конституциямизда ўз ифодасини топганлигини алоҳида таъкидлади. Бош қонунимизда асосий маънавий бойликлардан яна бири — виждон эркинлигининг кафолатланганлиги ҳамдир. Бу эса республикамизнинг ҳар бир фуқароси ўз ихтиёрига қараб, ўз дунёқарашига мос динга эътиқод қўйиши ёки қўймаслиги мумкинлигини таъминлайди.

Шарқда юз йиллар давомида равнақ топган ислом бу ҳудуддаги аҳолининг асосий дини ҳисобланади. Унда одамзот учун энг зарур бўлган инсонийлик, меҳр-шафқат, ўзаро ҳурмат ва бошқа динларга ҳам тенг қараш каби фазилатлар мужассам.

Мовароуннаҳр мусулмонлари диний ишлар бўйича Бошқармаси раисининг муовини Юсуфжон Шокировнинг конференциядаги маърузасида ана шу фазилатлар ҳақида, ислом динининг аёллар ҳуқуқини ҳамиша ҳимоя қилиб келганлиги тўғрисида сўз борди.

Бизнинг мамлакатимизда хотин-қизлар очиқ юз билан юришлари, ўқишлари, меҳнат қилишлари, дам олишлари учун тўлиқ ҳуқуқий асослар яратилгани ва бу омиллардан улар доимо баҳраманд эканликлари қайд қилинди.

Анжуманда сўзга чиққан Республика жамоатчилик асосидаги аёллар Маркази ходими Н.Холмуҳамедова ислом динига эътиқод қўйган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари ҳақида гапирди.

Шунингдек, конференцияда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини А. Йўлдошев, Мирзо Улуғбек номидаги ТошДУ доценти, фалсафа фанлари номзоди Ж. Шермуҳамедова ва бошқалар оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, мусулмон аёлларнинг кенг эркинликка эгаликлари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

Анжуманда вилоят, шаҳар ва туманлар хотин-қизлар қўмиталари раислари, уларнинг муовинлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.



Аҳоли ва ташкилотлар узлуксиз электр билан таъминланиши керак. Қибрай туман электр тармоғи катта нозири Анвархўжа Бадалхўжаев (чапдан), муҳандис Татьяна Тутинина, электр таъмирловчи Рустам Турсуновлар шундай шиор билан меҳнат қилмоқдалар.

*Даврон АҲМАД олган сурат.*

### ШАНБАЛИКДАН ТУШГАНИ — ХАЙРИЯГА

ТУЯБЎҒИЗ қўрғонидаги 74-автокорхонада ҳафтанинг ҳар жумаси озодагарчилик ва ободонлаштириш куни деб эълон қилинди. Кечаги жума куни бўлиб ўтган дастлабки шанбаликда юзга яқин ҳайдовчи ўз йўналишлари бўйлаб йўлга чиқишди. 20 нафар ишчи эса корхонада таъмирлаш ишлари билан шуғулланди. Жамоанинг 50 га яқин ходими корхона атрофини тозалаш ишлари билан банд бўлди.

Шу куни ишлаб топилган даромад корхонада узоқ йиллар самарали меҳнат қилган 23 нафақахўрга ва кам таъминланган оилаларга бўлиб берилди.

*Усмонали ҲАМИДОВ, Ўртачирчиқ тумани.*

*ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН*

### БАНК ХОДИМЛАРИ, ИҚТИСОДЧИЛАР ТАЖРИБА АЛМАШМОҚДАЛАР

ИҚТИСОДИЁТНИ замонавий изга солиш, албатта, биринчи навбатда янгича фикрловчи ходимларга, уларнинг малака ва тажрибасини ошириб, жаҳон тажрибаларидан бохабар бўлишига боғлиқдир. Шу жиҳатдан ўзбекистонлик ёш мутахассисларнинг илғор мамлакатлардаги ҳамкасблари билан алоқаларини йўлга қўйиш муҳимдир. Бу борада қатор тадбирлар амалга оширилаётир. Бунда халқаро молия ташкилотлари бизга ёрдамга келмоқда. Чунончи, жаҳон банки ҳомийлигида уюштирилган банк ходимлари, иқтисодчиларнинг халқаро семинарини кўрсатиш мумкин. Марказий Осиё, Озарбайжон ва Мўғилистон вакиллари иштирок этган «Банк ва молия менежменти» дастури бўйича семинар яқинда Тошкентда ўз ишини бошлаган эди. Семинарнинг давоми шу кунларда АҚШда ўтказилмоқда. Бу тадбирда Ўзбекистоннинг 14 нафар банк ходими ва ўқитувчиси иштирок этмоқда.

***

ТОШКЕНТ Давлат университети билан жаҳон банки мамлакатимиз пойтахтида Марказий Осиё республикалари, Россия ва ва Озарбайжон вакиллари иштирокида халқаро семинар ташкил қилди. Бу семинарда «Иқтисодиётнинг ўтиш даврида ижтимоий соҳани ислоҳ этиш» масалалари кўриб чиқилди. Семинар қатнашчилари аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоялаш борасида дунёнинг ривожланган мамлакатлари, ҳамдўстлик давлатларида тўпланган тажрибаларни ўрганиб, галдаги вазифаларни белгилаб олдилар.

### «ТЕТРА ПАК» ЛОЙИҲАСИ БИЛАН

«Тошкентсут» ҳиссадорлик жамияти янги турдаги сифатли, узоқ вақт сақланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бунда дунёга машҳур «Тетра Пак» швед фирмаси мутахассислари ёрдам бердилар. Янги лойиҳани амалга ошириш учун Германиянинг «Кредитенштальт фьюр Видерауфбау» банки Тошкент корхонасига қарийб икки ярим миллион АҚШ доллари қийматидаги маблағни инвестиция қилди. Эндиликда швед технологияси асосида «Тошкентсут» корхонасида стерилланган сут, шоколадли, бананли, қулупнайли сут, олма, апельсин шарбатлари хилма-хил ҳажмдаги чиройли идишларда ишлаб чиқарилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, бир литр ва 200 грамм ҳажмли қилиб қадоқланган бу маҳсулотларнинг фойдаланиш муддати бир йилгача кафолатланган.

### ЗАМОНАВИЙ КОМПЬЮТЕРЛАРГА ЭҲТИЁЖ КАТТА

ҲОЗИР дунёда компьютерлар ишлаб чиқарадиган корхоналар кўп. Лекин, улар орасида АҚШнинг «Юнисис» корпорацияси алоҳида ўрин тутади. Бундан юз йилдан ортиқроқ вақт муқаддам асос солинган мазкур корхона қудратли саноат иншоотига айланган бўлиб, ўз маҳсулотини жаҳоннинг 120 дан ортиқ мамлакатига етказиб бермоқда. Унинг йиллик мол айланиши 6 миллиард АҚШ долларидан ортиқроқдир. Ана шу корпорация чиқараётган «Акванта» русумли компьютерлар Ўзбекистоннинг молия ва савдо доиралари вакиллари эътиборини тортди. Буни ҳисобга олиб «Юнисис» вакиллиги республикамизда компьютер техникаси бозорини кенгайтиришга қарор қилди. Ҳадемай ўзбекистонлик ишбилармонларнинг кўпчилиги «Акванта» комптютерлари билан ишлайдиган бўладилар.

### ҲИНДИСТОН МАДАНИЙ МАРКАЗИДА

ШУ КУНЛАРИДА Тошкентдаги Ҳиндистон маданий маркази ўқувчилар билан гавжум бўлмоқда. Бу ерда ёш истеъдодларнинг дўст Ҳиндистон ҳаётига бағишланган расмлар кўргазмаси ишлаб турипти. Расмлар орасида республика махсус ўрта санъат мактаби ўқувчиларининг 35 та ишини алоҳида кўрсатиш мумкин. Уларда болалар қадимий ва қадрдон дўстимиз Ҳиндистон ҳамда унинг чиройли манзараларини ўзига хос тарзда акс эттиришга ҳаракат қилганлар.

Ҳиндистон мустақиллигининг шонли эллик йиллиги шу йил августида нишонланади. Болаларнинг бу кўргазмаси ана шу катта сана олдидан дастлабки қадам бўлди.

## СЕМИНАР-КЕНГАШ ЎТКАЗИЛДИ

31 январь куни Ўзбекистон Республикаси президенти девонида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқориғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ходимлари иштирокида «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг амалда бажарилишига бағишланган семинар-кенгаш бўлди.

Унда Ўзбекистон Республикаси президенти девонининг, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг масъул ходимлари маъруза қилдилар ва тажриба алмашдилар.

Кенгаш қатнашчиларининг эътибори фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида, тўлақонли бажарилишига эришиш, уни кўриб чиқишда сансалорликка ва тўраларча муносабатларга йўл қўймаслик, ижрочиларнинг масъулиятини ошириш, ариза ва шикоятларнинг эгаларига мурожаатлари юзасидан текшириш натижаларини албатта етказиш, назоратни янада кучайтириш масалаларига қаратилди.

Кенгашда фуқаролар мурожаатлари билан ишлашни янада такомиллаштириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

*(ЎзА).*

*«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар*

### «Пул олгингиз келса... тунни гулхан ёнида ўтказинг!»

**ГАЗЕТАМИЗНИНГ шу йил 25 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола босилган эди. Унда Халқ банки Юқоричирчиқ туман бўлимининг «Болта» участкасидаги шохобчасида аҳолига молиявий хизмат кўрсатиш савияси пастлиги, меҳнаткашлар ойлик маошларини олишда қатор қийинчиликларга дуч келаётганликлари, хусусан, туни билан навбат кутишга тўғри келаётганлиги рўй-рост баён қилинган эди.**

**Мазкур мақола юзасидан Халқ банки вилоят бошқармаси бошлиғи Қ. ЙЎЛДОШЕВДАН жавоб хати олинди. Унда жумладан, шундай дейилади:**

**«...Ўзбекистон Халқ банки бошқаруви, Халқ банки Тошкент вилоят бошқармаси ҳамда Халқ банки Юқоричирчиқ туман бўлими раҳбарияти ва бошқа мутахассислар иштирокида тузилган комиссия мақолада айтилган манзилгоҳда текширув ўтказди ва аҳоли билан банк хизмати савияси ҳақида фикрлар алмашинди.**

**Нақд пул маблағларининг банкларга қайтиб келиши сустлиги сабабли ташкилот ва корхоналар ишчи ҳамда хизматчиларига ойлик маошларини тўлиқ миқдорда нақд пул билан бериш имконияти бўлмаётганлиги, шундай шароитни ҳисобга олган ҳолда, халқ банки бўлими томонидан жалб қилинаётган аҳоли қўлидаги эркин нақд пул маблағлари ойлик ҳамда ҳисоб-китоб чеклари йўли билан тўланаётганлиги кишиларга тушунтирилди.**

**Текширув ва аҳоли билан ўтказилган мулоқотлар Халқ банки Юқоричирчиқ туман бўлимининг 3561/20 шоҳобчасида камчиликлар мавжудлигини тасдиқлади. Шу билан бирга, жамоа аъзоларига ойлик маошларни ўз вақтида ва белгиланган тартибда берилишини тўлиқ таъминлаш борасида аҳоли томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар инобатга олинди.**

**Айни пайтда Халқ банки Тошкент вилоят бошқармаси ва Юқоричирчиқ туман бўлимларида мазкур мақолада баён этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.**

**Халқ банки Юқоричирчиқ туман бўлими бошқарувчиси И. Салимов, 3561/20 шоҳобча назоратчиси Г. Аширбоеваларга йўл қўйган камчиликлари кўрсатиб ўтилди ва бундан буён аҳолига хизмат кўрсатишга эътиборни кучайтиришлари кераклиги алоҳида таъкидланди».**

***

**Шунингдек, мазкур мақолага Юқоричирчиқ тумани ҳокимининг биринчи муовини М. ЁҚУБОВ ҳам жавоб хати йўллади. Унда мақола 27 январь куни туман ҳокими маҳкамаси масъул ходимлари йиғилишида муҳокама этилгани, муаллиф Халқ банки туман бўлимининг мазкур шоҳобчасида йўл қўйилган камчиликларни тўғри ва холисона ёритгани таъкидланган.**

**Камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳокимликда аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.**

## ДАРДИНГИЗНИ ОЧИҚ АЙТИНГ, БИРОДАР!..

*Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилди*

ХИЗМАТ юзасидан вилоят туманлари хўжаликларида бўлиб, бошқарув раҳбарлари, мутахассислар, деҳқон (чорвадор) фермерлар, оддий дала меҳнаткашлари билан тез-тез учрашиб тураман.

Улар мулоқот жараёнида ўз ишлари, эришаётган ютуқлари, тўплаган тажрибалари билан бирга қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга халақит бераётган тўсиқлар, камчиликлар, нуқсонлар, ўзларини ўйлантириб келаётган муаммоли масалалар ҳақида ҳам ташвиш билан афсусланиб гапиришади. Дарди-ҳасратларини тўкиб соладилар.

— Сигирларимиз яхши сут бермаяпти, молларни тўйдириб боқолмаяпмиз. Нега дейсизми? Сабаби бор-да. Бизга ажратилган емларни ололмаяпмиз. Емни тақсимловчилар бошида зўравонлар, халқ тили билан айтадиган бўлсак, «мафиячи»лар ўтириб олишган. Одамга алам қилади. Кўзингизни бақрайтириб, шелухани сувга бўктириб беришади. Эй, ошна, бу қанақаси бўлди, десангиз, хушингизга келса олинг, бўлмаса йўқ, деб дўқ қилишади, ўдағайлашади. Баъзи жойларда фермерчилик нега оқсаяпти? Чунки бошида янглишдик, шошилдик. Пулдорлар, бойваччалар таниш-билиш қилиб, фермер бўлиб олишди. Катта-катта ерларга эга бўлишди. Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи идораларга ялиниб-ёлбориш билан кунимиз ўтади. Моддий бойлик етиштирадиган бизлар-у, хизмат ҳақига деб, бу бойлигимизнинг кўп қисмини олиб қўйишади.

Айтадиган бўлсак, гап кўп. Мана, картошка уруғчилиги масаласини олайлик. Ўтган йили шундай ҳоллар бўлдики, бизга кечикиб, уруғ олиб келишди. Э, бу уруғингиз бўлмайди-ку, яхши ҳосил бермайди, десак, нега гап қайтарасиз, шу уруғни экасиз, вассалом, деб мажбур қилишди. Ўша уруғлардан яхши ҳосил ололмадик, куйиб қолдик. Биласизми, ўтган йили баъзи хўжаликларда экилган карамга харидор топилмай, турган жойида чириб, нобуд бўлиб кетди. Энди бу йил карамни камроқ экайлик, кўпроқ харидорбоп экин экайлик, деб айтгандик, яна, йўқ, бўлмайди, шунча жойга карам экасизлар, деб туриб олишди.

...Ана шунақа гаплар. Бунақа муаммолар, масалаларни ҳал этмай туриб, табиийки, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни тўла-тўкис амалга ошириб бўлмайди.

Бу дарди-ҳасратларни эшитиб, «муаммоли, жуда зўр мақола ёзса бўлади» дейман.

— Йўғ-е, нималар деяпсиз, оғайни, бу ҳақда шунчаки маълумот учун ўзингизга айтдик-да. Газетангизга асло ёза кўрманг, ахир, бизда ҳам бола-чақа бор, тирикчилик дегандай. Тушундингизми, илтимос, оғайни, ёзманг! Акс ҳолда бошимиз ғавғодан чиқмайди...

Шунда ўйланиб қоламан. Битта туман ёҳуд хўжаликнинггина эмас, бутун вилоятнинг, қолаверса, республиканинг дардига айланиб бораётган муаммоларни, камчиликларни нега илиқ-иссиғида айтсак бўлмайди?! Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деганларидек, бу муаммоларни ўзимизча «сир» сақлаб, бекитиб-яшириб, шу аҳволга келиб қолмадикми? Қачонгача ўзимизни ўзимиз алдаймиз!

Куни кеча Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишни «зангори экран» орқали кузатар эканман, бу саволга жавоб топгандек бўлдим, назаримда. Чунки, кўпгина раҳбарлар, фермерлар сўзга чиқишиб, бундан буён қишлоқ хўжалигини юксалтириш, иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш учун нималар қилиш керак, деган саволга батафсил жавоб беришга ҳаракат қилдилар. Энг муҳими, улар тортиниброқ бўлса ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга нималар тўсқинлик қилаётганлигини, қисқаси, дарди-ҳасратларини очиқ-равшан айтдилар.

Уларнинг бу чиқишлари мажлис аҳлига маъқул бўлди. Ҳатто, ўртага ташланган масалалар асосида муаммоларнинг ҳал қилинишига ёрдам берадиган қарорларни тайёрлаш тўғрисида ҳам топшириқлар берилди. «Зангори экран» орқали мажлиснинг бориши, у ердаги гап-сўзларни эшитиб турган қишлоқ меҳнаткашлари, жуда кўп фермер-деҳқонлар ҳам ана энди ишимиз юришиб кетадиган бўлди, деб енгил нафас олдилар. Юртбошимиз айни шу ернинг ўзида «зангори экран» мутасаддиларига топшириқ бердилар. Фермерлар, раҳбарлар, мутахассисларга «зангори экран»дан минбар беринг, улар чиқишиб, ўз тажрибалари билан бирга дарди-ҳасратларини ҳам, таклифларини ҳам очиқ айтишсин.

Эл-юрт манфаати шуни тақозо этади.

Бу гаплар биз — матбуотчиларга ҳам бевосита тааллуқлидир. Қарс икки қўлдан чиқади, дейдилар. Йўл очилди. Нима бўларкин, гап эшитиб қолмасмикинмиз, деб ўйланиб ўтирманг, азиз деҳқон-фермерлар. Дардингизни очиқ-ойдин, дангал айтаверинг!!! Сизларни эндиликда ҳамма ҳимоя қилади. Зеро сизларнинг фикр-мулоҳазаларингиз, таклифларингиз умумий ишнинг юксалишига ёрдам беради. Бундай ёрдам эса айни кунларда ғоят катта аҳамият касб этмоқда.

*Носир РИХСИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» шарҳловчиси.*

